

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АЛИБОЕВА НИЛУФАР МАХАМАТАЛИ ҚИЗИ

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ТАҚЛИД
СЎЗЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон-2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) in
philological sciences**

Алибоева Нилуфар Махаматали қизи
Ўзбек ва инглиз тилларида тақлид сўзларнинг қиёсий тадқиқи.....3

Алибоева Нилуфар Махаматали қизи
Comparative study of onomatopoeic words in Uzbek and English
languages.....

Aliboyeva Nilufar Makhmatali kizi
Сравнительное исследование звукоподражательных слов в узбекском и
английском
языках.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works55

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АЛИБОЕВА НИЛУФАР МАХАМАТАЛИ ҚИЗИ

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ТАҚЛИД
СЎЗЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Fil977 раками билан
рўйхатга олинган.**

Диссертация Кўкон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Андижон давлат
университети веб-сайти (www.adu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-тъалим портала (www.ziyonet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махмудов Низомиддин Мамадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хошимова Дилдора Мадаминовна
филология фанлари доктори, доцент

Алиева Шаҳноза Айбековна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори


Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация химояси Андижон давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 раками Илмий
кенгашнинг 2021 йил «31» август соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:
Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223 8814; факс: 0(374) 223 88 30; e-mail:
agsu_info@edu.uz)

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш
мумкин (31 йил «август» 2021 даги 14:00 ракам билан рўйхатта олинган). Манзил: 170100 Андижон шаҳар, Университет
кўчаси, 129 уй. Тел: 0 (374) 223-88-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «24» август куни тарқатилди.
(2021 йил «24» август даги 2021 ракамли реестр баённомаси).



Шахабитдинова Ш.Х.

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Усмонов Ф.Ф.

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, ф.ф.ф.д.

Умарходжаев М.Э.

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси,
ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги бугунги кунга келиб бошқа ёндош фанлар билан таъсирлашуви натижасида тил ва жамият, тил ва онг, тил ва маданият, тил ва менталитет орасидаги алоқаларни таҳлил қилишга асосий эътиборини қаратмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тилшуносликда грамматик категориялар атрофлича ўрганилди, изчил ва узвий ҳолатда тартиблаштириб борилди. Замонавий тилшунослик фани зиммасидаги долзарб масалалардан бири турли лисоний бирликлар маъноларини, шу жумладан, тақлидий сўзларни бошқа тиллар доирасида қиёсий аспектда ўрганишдан иборат.

Дунё тилшунослигига тақлидий сўзлар, уларнинг морфологик сатҳдаги ўрни ва гапдаги вазифаси масалаларига доир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Бироқ ҳанузгача инглиз тилида ушбу воситаларнинг қайси сўз туркумига оидлиги хусусида якуний хulosага келинмаган, тақлидий сўзларнинг контекстуал маънолари қиёсий ўрганилмаган, уларнинг бадиий матнадаги таржимаси муаммолари тадқиқот обьекти сифатида қайд этилмаган. Морфологик жиҳатдан бир-биридан тубдан фарқланувчи инглиз ва ўзбек тилларида тақлидий сўзларнинг тилдаги ўрнига доир тадқиқотлар хulosаларини умумлаштириш, таржима эквивалентларини белгилаш муаммонинг долзарблигини белгиловчи омиллардан саналади.

Ўзбек ва инглиз тилларида воқеликнинг турлича идрок этилиши оламнинг лисоний манзарасига доир тафовутларни ҳамда тиллар миллий табиатини чоғиштиришда бир тил ҳодисасининг турли тизимли тиллар ифода имкониятларидағи алоҳидаликларни аниқлаш имконини беради. Тилнинг пайдо бўлиш жараёнини бевосита характерловчи тақлид сўзларнинг тилшунослик учун тилда бу бирликларнинг тилдаги мавқеи нақадар муҳим эканлиги яққолдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон Фармонлари; «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқенини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари; Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қиласи.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган

жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тақлид сўзлар жаҳон тилшунослигида, хусусан, инглиз ва рус тилшунослигида Н.М.Шанский А.А.Кононов, С.Воронин, Н.И.Ашмарин, И.В.Арнольд, X.Bredin, E.Laing каби олимлар томонидан ўрганилган бўлса, ўзбек тилшунослигида Н.Махмудов, Ш.Р.Ҳакимова, Р.Қўнгурев, С.Муталлибов, А.Исҳоқов, Ё.Абдурасулловлар тадқиқотларига объект бўлган.

Х.Брединнинг нуқтаи назарига кўра, тақлидлар (ономатоплар) “тилшунослиқда лисоний контекстда товушга имитация қилиш натижасида юзага келувчи товуш символизми ёки товуш бирикмаси сифатида юзага келган”¹. Э.Лаинг эса тақлиднинг бевосита грамматик вазифаси ва семантик хусусиятлари борасида “ономатоп бирлик ғояни фонологик контекстда ифодалашга хизмат қиласи, шундай экан, ушбу сўз ҳеч қандай луғавий маънога эга эмас”лигини қайд этади². Ана шу тарзда инглиз тилшунослигида тақлидий ифодалар мустақил луғавий маънога эга эмас, унинг маъноси контекст таркибида англашилади, деган қараш мавжуд бўлиб, тақлидий сўзлар фонологик белгилар бирикмаси ва улар табиатдаги товушларга тақлид орқали ҳосил бўлганлиги эътироф этилади.

Рус тилшунослигида фоносемантик ғоялар учун айнан тақлидлар асос бўлган³

Ўзбек тилшунослигида тақлидий сўзлар тадқиқини тарихан уч даврга ажратиш мумкин. Биринчи давр тадқиқотларида тақлидий ифодалар морфологик қатламда ундовлар сирасига киритилади. Тилшунос олим А.А.Кононов ҳам шу фикрни қувватлайди⁴. Кейинроқ эса тақлидлар ундовлардан ажратилиб на мустақил сўзлар, на номустақил сўзлар сифатида эътироф этилди, балки алоҳида, яъни оралиқ сўзлар сифатида гурухланди. Бу даврда тақлидий ифодалар тасвирий сўзларга оидлиги ҳақидаги назариялар устуворлик қилди. Ҳозирда ўзбек тилшунослигида тақлидий ифодаларнинг тадқиқига семантик аспектда ёндашилмоқда. Бу бирликларнинг контекстуал маъноси, этимологияси ва тиллардаги типологияси бош масалалардан саналади. Шунингдек, тақлидий сўзларнинг услубий вазифалари ҳам матн тилшунослигининг муҳим масалалари қаторидан ўрин олди⁵.

¹Bredin H. Onomatopoeia as a Figure and a Linguistic Principle//New Literary History. – Johns Hopkins University Press Volume 27, Number 3, Summer, 1996. – P. 555-569.

²Laing E. A phonological analysis of onomatopoeia in early word production. – First Language 2014\09\15 – P. 387.

³Бу ҳақда қаранг: Воронин С. Фоносемантические идеи в зарубежном языкознании – СПб.: Изд-во ЛГУ, 1990.

⁴Бу ҳақида қаранг: Қўнгурев А. Ўзбек тилида тасвирий сўзлар. – Ташкент: Гос. изд-во УзССР, 1966.

⁵ Абдурасулов Ё. Структура подражательных слов в узбекском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол.наук. – Л., 1972. Ашмарин Н.И. О морфологических категориях подражаний в чувашском языке. – Казань, 1928. Боймирзаева С. Матн модаллиги. – Тошкент: Фан, 2010. – 151 б. Кононов А. Грамматика узбекского языка. – Ташкент: Гос.изд-во УзССР, 1948. Қўнгурев Р. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. Қўнгурев Р. Ўзбек тилида тасвирий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1966. Нуруллова А.А. Ономатопея в современном английском, русском и немецком языках: Автореф. дисс. ...канд. филол.наук. – Казан, 2013.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Тилшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хозирги замон инглиз ва ўзбек тиллари тақлидий сўзларининг типологик хусусиятларини, доимий қўлланиши меъёрини кўрсатувчи семантик ва контекстуал тавсифини, таржима муаммоларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек ва инглиз тилидаги тақлидий ифодаларнинг олам лисоний манзарасидаги ўрни, семантик хусусиятлари ва тизимий муносабатларини очиш;

ўзбек ва инглиз тилидаги тақлидий ифода бирликларини келиб чиқиш манбаига қараб эмас, бевосита тақлидий сўзнинг фонетик хусусиятлари асосида тартибга солиш;

тартибга солинган ифода бирликларининг инглиз тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан инглиз тилига таржималари, лугатларда берилишига доир муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсияларни бериш;

тақлидий ифодалар таржималарига доир ютуқларни аниқлаш, мавжуд нуқсон, чалкашлик ва ноаниқларни муайянлаштириш ҳамда улар ўрнига муқобил вариантлар таклиф қилиш;

ҳар икки тилдаги тақлидий сўзлар орасидаги маданий реалияларни аниқлаш ва уларнинг таржимаси муаммоларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги тақлидий сўзлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини замонавий инглиз ва ўзбек тилларидаги тақлидий ифодаларнинг морфологик, семантик ва типологик-структур мақоми ҳамда ўзаро таржимада берилиши муаммолари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуслари. Тадқиқотда баён, статистик ва дистрибутив таҳлил, семантик-стилистик изоҳ, лексик-семантик (мантиқий-семантик), қиёслаш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилидаги тақлидий ифодалар шовқиннинг келиб чиқиш манбасига кўра эмас, балки шовқиннинг фонологик хусусиятига кўра инстантлар, континуантлар ва фреквентатив турларга бўлиниши мумкинлиги асосланган;

ўзбек тилида тақлидий ифодалар морфологик сатҳда мустақил ва номустақил сўз туркумлари орасидаги алоҳида сўз туркуми сифатида категорияланиши, инглиз тилшунослигига эса тақлидий сўзлар ва тақлиддан шаклланган мустақил сўзлар ономатоплар деб аталиши, бироқ морфологик қатламда тақлиддан ясалган мустақил сўзлар ўзининг грамматик аломатларига кўра мавжуд мустақил сўз туркумларидан бирига оид эканлиги аниқланган;

тақлидий сўзларни ўзбек тилидан инглиз тилига, инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишдаги камчиликлар, жумладан, тақлидий сўзларнинг

таржима матнида тушириб қолдирилиши ёки транслитерация йўли билан берилиши ҳамда ноэквивалентлар орқали ифодаланиши аниқланган;

таржимадаги камчиликларни бартараф этиш учун тақлидий сўзларнинг айнан эквивалентларидан фойдаланиш, аслиятдаги тақлидларни таржимада тасвирий сўзлар билан ифодалаш ёки таржимада тақлидларни бошқа сўз туркумлари воситасида ифодаланиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференциялар материаллари, ОАҚ рўйхатидаги маҳсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар ушбу тадқиқот материалларига асосланади, тадқиқот хulosаларининг республика миқёсида амалиётда жорий этилганлиги, натижаларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари илмий аҳамияти унда тақлидий ифодаларни семантик-структур-типологик таҳлил қилишнинг комплекс методикаси ишлаб чиқилганлиги, тадқиқот натижалари инглиз ва ўзбек тилларидағи тақлидий сўзларни лингвотипологик жиҳатдан ўрганиш бўйича изланиш олиб борувчилар учун муҳим маълумотлар бериши, келгусидаги тадқиқотлар учун илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларидан инглиз тили грамматикаси, қиёсий типология, таржима назарияси ва амалиёти бўйича назарий ҳамда амалий ўқув-услубий қўлланмалар яратиш тизимини ишлаб чиқиши, тегишли бирликларни лугатларда изоҳланиши учун асос бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида тақлидий ва тасвирий сўзларнинг ўзаро алоқаларини қиёсий тадқиқ этиш асосида:

ўрганилган диссертация материаллари ва хulosаларидан тил ва маданият муштараклиги, тақлид сўзларнинг семантик-функционал ва лингвокультурологик хусусиятлари, уларнинг нутқ маданиятига муносабат масаласи, туб сўзлар ва ўзлашган сўзлар функционал категоризациясини амалга ошириш, тилларда маъно қоришиқлиги тушунчаси, унинг асосий тамойиллари, уларни белгилаб берувчи омилларни ўрганиш, услубий жиҳатдан тақлид сўзларни ўзига хослиги жиҳатларига ойдинлик киритишга доир таҳлиллардан “Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиши” мавзусидаги ОТ-Ф1-18 рақамли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 майдаги 319-1805-35-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим тизимида чет тилини қиёслаб ўқитиш жараёнида талабаларнинг нутқий маданияти ва кўникмаларини таъминлаш методологияси такомиллашган;

“Оламнинг миллий лисоний манзарасида тақлидлар ва уларни типологик ўрганиш муаммолари” деб номланган учинчи бобидаги материаллардан, тилнинг маданий табиати, семантик ўзига хосликлари ва

маданиятларо мулокотда лексемаларнинг миллий-маданий хосланганлигига оид назарий карашлари, амалий тавсиялари ва илмий хуросаларидан “Тафаккур бўстони” нашриётида нашр қилинган 5221000-Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши учун мўлжалланган “Хозирги ўзбек тили” дарслигида фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 майдаги 319-1805-35-сон маълумотномаси). Натижада тақлид сўзларнинг ўзига хос хусусиятларига оид қарашлар мукаммаллашган.

тақлидий сўзларнинг ўзбек тилидан инглиз тилига, инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишнинг муаммоларига оид тавсиялардан, ўзбек тилидаги тақлидий ифодаларни шовқин турига кўра структур кўринишлари ҳамда инглиз тилидаги тақлидий сўзларнинг морфологик хусусиятлари ва морфологик сатҳдаги ўрнига доир илмий хуросалардан “Институт ва университетларда соғлиқни сақлашга оид фанларни модернизациялаш” мавзусидаги (2015-2018) номли халқаро лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 майдаги 319-1805-35-сон маълумотномаси). Натижада тиббий мулокотда тақлидларнинг тутган ўрни кўрсатилган ва назарий билимларни амалда қўллаш, нутқий малака ва кўникмаларни шакллантиришга оид тавсиялар берилган;

ўзбек тилидаги тақлидий ифодаларнинг услубий жиҳатлари, морфологик сатҳда мустақил ва номустақил сўз туркумлари орасидаги алоҳида сўз туркуми сифатида категорияланиши, инглиз тилшунослигида эса тақлидий сўзлар ва тақлиддан шаклланган мустақил сўзлар умумлаштирилган ҳолда ономатоплар деб аталиши, бироқ морфологик қатламда тақлиддан ясалган сўзлар мустақил сўзлар ўзининг грамматик аломатларига кўра мавжуд мустақил сўз туркумларидан бирига оид дея эътироф этилиши ҳамда таржимадаги ўзига хос жиҳатларга доир илмий хуросалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳаррияти томонидан тайёрланган “Таълим ва тараққиёт”, “Адабий жараён” радиоэшиттиришларининг 2021 йил январь ва февраль ойлари сонларида тадқиқотга тортилган мавзу юзасидан бўлиб ўтган сухбатларда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston” телерадиоканали ДУКнинг 2021 йил 29 марта О’z/R-01-35-21-сон маълумотномаси). Натижада тақлидий сўзларнинг ўзбек тили нутқ маданиятидаги ўрни, инглиз-ўзбек тилларига таржима қилишдаги муаммолар ечими илмий-амалий асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6

та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хуносат, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми 129 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг максади, вазифалари, обьект ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари тавсифланган: олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон килингандиги, тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Ишнинг биринчи боби “**Оlamning миллий лисоний тасвирида тақлидлар ва уларни типологик ўрганиш муаммолари**” деб номланган ва уч қисмдан иборат: “Оlamning миллий лисоний манзарасида тақлидлар”, “Тилшуносликда тақлидлар назарияси”, “Тақлидий сўзларни типологик ўрганиш зарурати ва муаммолари”. Olamning лисоний манзараси, бадиий тасвири ҳар бир тилда ўзига хос ва серқирра бўлиб, бу борлиққа миллий назар, ҳар бир тилнинг ўзига хос фонетик системаси ҳамда миллий артикуляция хусусиятлари билан боғлиқдир. Ҳар бир тил учун ўзаро кўп ҳам фарқланмайдиган жиҳатлар билан бирга, тилларнинг ўзига хос хусусиятлари яққол кўзга ташланиб турадиган, соф миллий лисоний табиатга эга бўлган жиҳатлар ҳам борки, у тилнинг моҳиятини, тиллар оламидаги ўзига хосликларни таъминлайдиган ҳодисалар ҳисобланади. Ўтган асрнинг ўрталарига келиб тилшуносликда грамматик категориялар атрофлича тадқиқ қилинди, изчил ва узвий тартиблаштирилди. Албатта, бу жараёнда баъзи миллий тиллар, шу жумладан, ўзбек тили ҳам бошқа тилшунослик мактаблари ақидалари асосида тадқиқ қилинди. Натижада, рус тилшунослиги қолипларида шакллантирилган ўзбек тилшунослиги муҳим тил ҳодисаларининг айrim жиҳатларини бу тил андозалари нуқтаи назардан ўрганди. Кейинроқ ушбу чекланиш ва сунъийликлар структур тилшунослик тадқиқотларида қайта кўриб чиқила бошланди. Тилшунослар оламнинг лисоний манзараси ва концептосфера айни бир воқеаликнинг турлича номланиши деган фикрни билдиришади. Демак, концептосферанинг таркибий қисми ҳисобланган концептлар – олам лисоний манзарасининг ҳам асосий воситаси. Энди оламнинг лисоний манзарасида тақлидлар қандай ўринга эга, деган муаммо ечимиға ўтар эканмиз, бунинг учун тақлидий сўзларнинг келиб чиқиши, семантик вазифаси ва моҳияти масалаларига тўхталиш лозим.

Маълумки, тилнинг пайдо бўлиши хусусида гап кетар экан, идеалистлар ва материалистлар масала ечимиға икки нуқтаи назардан муносабатда бўладилар. Идеалистлар тилнинг илоҳий куч томонидан яратилганига, инсон воқеа-ҳодиса, предметларни кўриши билан уларга илоҳий изхор асосида ном берса бошлаганига ишонишса, материалистлар тил ижтимоий меҳнат туфайли

пайдо бўлган ва ривожланган, деган фикрни илгари суришади⁶. Ҳозирги тилшунослик нуқтаи назаридан қаралса, нарсалар билан уларнинг номи орасида, умуман олганда, ҳеч қандай боғланиш йўқ. Бундан бир неча юз минг йил бурун пайдо бўлган тилларнинг фонетик тизими, сўз бойлиги, грамматикаси ва бошқа муайян хусусиятларидан қатъий назар, умуман тилнинг келиб чиқиши ўрганилар экан, энг аввало, тилнинг келиб чиқишидаги шарт –шароитларни тадқиқ қилиш, яъни инсонлар қандай шароитда сўзлай бошлаганликларини ўрганиш ва бу масалани тилнинг келиб чиқиши масаласи билан боғлаган ҳолда таҳлил қилиб, хулоса чиқариш лозим. Шунга қарамасдан, тақлидларнинг олам миллий лисоний манзарасида ўзининг мустаҳкам ўринга эга эканлигини тасдиқлаш лозим. Аввало, ҳар бир тилдаги тақлидий ифода шу тил сўзловчиларининг артикуляцион имкониятларини, тилнинг фонетик кўламини намоён этади. Тақлидий ифодалар сўзловчиларнинг (бизнинг назаримизда, бутун бир миллатнинг) у ёки бу табиий ҳодисани қай шаклда қабул қилишини намоён этади. Шунингдек, табиий ҳодисага нисбатан муносабат, воқеликка нисбатан ҳиссий ёндашув ва яна мазкур ҳодисанинг миллат менталитети ва тажрибасида қандай из қолдиргани – буларнинг бари тақлидий сўзнинг структураси, қўлланиш доираси ва ҳатто фонетик таркиби орқали англашилади. Масалан, *милт-милт, шип-шип, шилдир-шилдир, жимир-жимир* тақлидий ифодаларининг фонетик таркибидан ҳаракат ёки ҳолатнинг киши онгига ижобий таассурот қолдириши, ушбу ифодалар ижобий, ёқимли манзараларни қўллашда ишлатилиши каби ҳолатларни кўриш мумкин. Бу каби тасвирий ифодавий ўзига хосликларни сўзлар таркибida такрорланувчи *и* тор унлиси орқали англаса бўлади. Қолаверса, тақлидий ифодаларнинг айнан ўз маъносига мос контекстда эмас, балки бутунлай бошқа контекстларда ҳам қўлланиши ушбу воситаларнинг юқори тасвирий хусусиятларидан далолат беради. Бильякс, *чали-чулл, шапир-шупур, тапир-тупур, гарч-гурч* тақлидлари жараённинг тез ёки кутилмаганди содир бўлганлиги, ҳаракатнинг қўпол равишда амалга оширилганлигини, ҳаракатнинг сониявийлигини ўз таркибидаги унлилар орқали тўлақонли ифодалаб беради. Ушбу тақлидий ифодаларнинг кесим, аниқловчи ёки ҳол вазифасида буткул бошқа контекстларда қўлланилганда ҳам айни шу маъноларни англатиши воқеликни тасвирлашда тақлидий ифодаларнинг нечоғлик муҳим эканлигини, уларнинг тасвирий имкониятлари қай даражада кенглигини яққол кўрсатиб беради, зеро, “маълум бир тил сўзлашувчиларининг менталитети ва ментал ўзига хослиги инсоннинг борлиқдаги қайси товушларни қай шаклда эшлиши орқали англашилади”⁷. Шу билан бирга, тақлидий ифодалар у ёки бу ҳодисанинг сўзловчи онгига қандай кайфият уйғотишига ҳам ишора қиласи. Товушлар кетма-кетлиги, яъни

⁶Рахимов С., Умуркулов Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Молия, 2003. – Б. 13; Якушин Б.В. Гипотезы о происхождении языка.– М.: Наука, 1985.

⁷Шляхова С.С. Звукоизобразительность в коми-пермяцком языке / С.С. Шляхова, А.С. Лобанова; Перм. гос. гуманит.-пед. ун-т.– Пермь, 2012. 297 с; Шляхова С.С. Исследование звукоизобразительности в пермских языках: проблемы и перспективы. Статья третья // Вестник Пермского университета. Российская и зарубежная филология, 2012. №1.– С. 9-16.

сўзнинг товуш таркиби ундаги ижобий ёки салбий маънони намоён эта олади ва бунга юқорида келтирилган тақлидий сўзлар яққол мисол бўла олади.

Оламнинг лисоний манзарасида тақлидий сўзларнинг ўрни шакшубҳасиз муҳим, шунингдек, ушбу сўзлар асосида *оламнинг товуши тасвири* атамаси шакллангани тақлидларнинг кенг тасвирий имкониятига далил. Тақлидий ифода воситалари олам умумий лисоний манзарасининг дастлабки қатлами, яъни фонетик қатламини ташкил этади. Тилшунослар ушбу дастлабки қатламни, шунингдек, оламнинг умумий лисоний манзарасидаги *товушни ифодалаши қатлами* дея номлашади. Тақлидий сўзларнинг фонетик таркиби тил сўзловчиларининг ўзига хос талаффуз имкониятидан келиб чиқсан ҳолда турли тилларда ҳар хил шаклланишига қарамай, уларнинг маъноси, яъни семантик хусусиятлари барча тиллар учун умумий. Айтиш лозимки, тақлидий ифодалар ўзининг функционал имкониятлари кўламига кўра бошқа категориялардан кескин ажralиб туради. Турли товушлар бирикуви негизида воқелик шовқинини айнан акс эттириш учун жамланган тақлидий сўзлар нутқда турли шаклда қўллана олади. Зеро, муайян шовқинни номлаб келувчи тақлидий бирликлар гапда турли шакл ясовчи қўшимчалар ёрдамида кесим, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол вазифасини бажара олади. Айни шундай полифункционаллик хусусиятлари сабаб тақлидий сўзлар оламнинг миллий лисоний манзарасида алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, тақлидий ифодалар маълум бир миллатнинг атроф-муҳит ва ундаги ҳодисаларни қай тарзда англаши ва ушбу воқеа-ҳодисаларни қандай ифодалашига оид қонуниятларни кўрсатиб беради.

Сўзлар турли асосда пайдо бўлади. Шу билан бирга, турли миллий тилларда сўзларнинг пайдо бўлишида уларнинг ўрни ва роли ҳам турлича. Зеро, миллатларнинг нигоҳлари ҳам “миллий”, уларнинг ҳар бири бир нарсанинг маълум бир томонига бошқасига нисбатан қўпроқ эътибор беради ва бу эътибор натижаси ўлароқ бир ҳодиса турли тилда турлича номланади. Тақлидий сўзларни морфологик таснифлаш, уларнинг грамматик категория сифатидаги хусусиятларини белгилашга қаратилган тадқиқотлар хulosаси бир-биридан фарқланади. Ўзбек тилшунослигида тақлидий сўзларнинг ўрганилишини тарихан уч йирик даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр тадқиқотларида тақлидий ифодалар морфологик қатламда ундовлар сирасига киритилади. Кейинчалик эса улар ундовлардан ажратилиб, на мустақил сўзлар, на номустақил сўзлар сифатида баҳоланмасдан, алоҳида оралиқ сўзлар сифатида гурухланади. Бу даврда тақлидий ифодалар тасвирий сўзларга оидлиги ҳақидаги қарашлар илгари сурилади. Сўнгги давр, яъни замонавий ўзбек тилшунослигида тақлидий ифодаларнинг тадқиқи семантик нуқтаи назардан олиб борилмоқда. Уларнинг контекстуал маъноси, этимологияси ва бошқа тиллардаги бирликлар билан типологияси тилшуносликнинг эътибор марказида бўлиб қолмоқда. Шунингдек, тақлидий сўзларнинг услубий вазифалари ҳам матн тилшунослигининг қизикарли муҳим масалалардан бири бўлиб турибди.

Инглиз тилида тақлид сўзлар табиий товушларни сўз шаклида тақлид қилиш деб таърифланади⁸. Ономатопия – бу табиий товушларга, жисмоний кучларга ва инсоний ифодаларга ўхаш сўзларни яратишни белгилайдиган атама. Ономатоп сўзлар, улар кўрсатадиган обьектлар ва товушларга тақлид қилиш сўз бирикмаси асосида баъзи турларга бўлинади. Х.Бредин томонидан тақлиф қилинган назарияга асослансан, у ономатоп сўзларни уч турга – тўғридан тўғри, ассоциатив ва намунали каби турларга ажратади⁹. Маъно ва товуш ўртасидаги муносабатни турлича ифодалаш ва талқин этилишига кўра ономатопиянинг уч тури фарқланади. Биринчиси – тўғридан тўғри ономатопия бўлиб, улар товушни айнан ўзини ифодаловчи сўзлардир. Масалан, *bang*, *toan*, *cluck* ва *hiss* каби сўзлар. Кейинги категориядаги ономатоплар обьектга ёки уларга тааллукли ҳаракатга ўхашлиги учун эмас, балки овоз ассоциацияларига алоқадор: *whip* – бу *whip* томонидан чиқарилган овоз, *cuckoo* эса қушнинг номи. Ушбу сўзларни ассоциатив ономатоплар сифатида таснифлаш мумкин. Учинчи турдаги ономатоплар нутқ эгаси томонидан қилинадиган жисмоний ишнинг миқдори ва характеристига асосланади. У намунали ономатоп деб аталади. Турли хил сўзлар турли хил мушак кучларини талаб қиласди; *nimble* ва *dart* каби сўзлар, масалан, *sluggish* ва *lothful* қараганда камроқ куч талаб қиласди. Товуш ва у орқали ифодаланадиган тушунчанинг ўхашлиги, у билан боғлиқ бўлган ғоя бўлиши зарур.

Бизнинг фикримизча, тақлидий ифодаларнинг грамматик имкониятлари кўлами, бошқа категориялар билан муносабатларга кириша олиш хусусиятлари, семантик характеристикаларини инобатга олган ҳолда, уларни олмошлар каби гапда турли синтактик вазифада қўллана оладиган мустақил сўзлар сирасига киритиш мумкин ва бунда соф тақлидларни исмлар сифатида баҳолаш лозим бўлади. Бироқ бу каби ёндашувлар нисбатан илғор илмий қарашлари ва кенг қамровли фаразлари билан ажралиб турувчи инглиз тилшунослигида ҳам кузатилмайди.

Мавжуд барча тилшунослик соҳалари орасида типологик лингвистика – қиёсий тилшуносликнинг ўрни ажралиб туришини таъкидлаш лозим. Зеро, турли тиллардаги лисоний ҳодисаларнинг умумий ва фарқли хусусиятларини аниқлаш, уларни атрофлича қиёсий таҳлил қилишга йўналтирилган изланишлар ўз натижаларининг амалий самарадорлиги билан ажралиб туради. Гарчи тақлидий сўзлар маълум бир маънода универсалия ҳисобланиши мумкин бўлса-да, таржимада уларни транслитерация қилиш ва тақлид маъносини изоҳ орқали ўгириш каби камчиликларга йўл қўйилмоқда. Тақлидий сўзлар таржимасига етарлича эътибор қаратилмаслиги, мактаб дарслкларида уларни ўқув лугати таркибига киритмаслик натижасида ўқувчилар онгида ушбу сўзлар ҳақида лингвистик бўшлиқ ҳосил бўлмоқда. Структурасига кўра

⁸<https://dissertation.net/dic.nsf/lingvistic/971>

⁹ Bredin H. Onomatopoeia as a Figure and a Linguistic Principle//New Literary History. – Johns Hopkins University Press Volume 27, Number 3, Summer, 1996. – P. 555-569.

тилимиздан кескин фарқ қилиши, устига-устак, манбалар етишмовчилиги сабабли ўқувчиларда инглиз тили ўзлаштириш узок вакт талаб қиласидиган, тушунарсиз ва мураккаб тил деган таассурот уйғотмоқда. Тақлидий сўзлар ва бошқа тил бирликларининг чоғиштирма усулда ўрганилиши натижасида ўқув электрон лугатлари тузиш, кейинчалик уларни корпус таркибига киритиш мумкин. Кўзда тутилган ушбу режаларни амалга оширишда инглиз тилидаги турли бир тилли корпуслар, шунингдек, параллел корпуслардан андаза олиш мақсадга мувофиқдир.

Ишнинг иккинчи боби “**Инглиз тилида тасвирий ва тақлидий маънонинг ифодаланиши ҳамда уларнинг ўзбек тилида берилиши**” деб номланади ва қўйидаги қисмлардан иборат: “Инглиз тилида тасвирий маънонинг ифодаланиши”, “Инглиз тилидаги ономатоп бирликларнинг турлари ва қўлланиш хусусиятлари ҳақида”, “Ўзбек ва инглиз тилларидаги тасвирий ва тақлидий ифодаларнинг ўзаро таржимаси”.

Флектив тиллар оиласига мансуб инглиз тилида ҳолат ёки ҳаракатга нисбатан қўлланадиган тасвирий ифодалар¹⁰ аксарият ҳолларда тақлид сўзлардан келиб чиқмайди, бу каби бирликлар мустақил луғавий маънога эга соф феъл ҳисобланади. Гапда ушбу феъл шакллари турли семантик вазифани бажариб келиши мумкин. Шу ўринда инглиз тилидаги тақлид ва тасвирий сўзларнинг орасидаги тафовутга алоҳида урғу бериш лозим. Масалан: *He could hear his mother playing the piano, not For Elise now but something else he didn't like so well - something that sounded dry and fussy; he could hear rain flicking steadily against the kitchen windows.* (King, “S.It”) – Уонасининг пианино чалаётганини эшишиб турарди, бу сафар Элизага куй эмас, унга ёқмайдиган аллақандай бошқа бир қуруқ ва тушунарсиз оҳанг; қулогига узлуксиз ёмғирнинг деразани мудом **чертаяётгани** эшишилди¹¹. Ушбу мисолда ёмғир товушига нисбатан *flicking steadily* тақлидий ифодаси қўлланган. Гарчи бу тасвирий бирлик туркий тиллардагидек соф тақлид кўринишида эмас, балки феъл шаклида қўлланган бўлса-да, у ёмғирнинг қай тарзда, қай ҳолатда ёғаётганига эмас, балки унинг қандай овоз чиқараётганига эътиборни тортади. Инглиз тилида ҳолатга тақлидни тасвирловчи бирликлар ўзбек тилига нисбатан кам. Мавжуд тасвирий ифодалар эса факат маълум бир қолипга солинган ҳолатларга, жумладан, кўз қарашлари, бирор предметнинг тусланиши кабиларга нисбатан қўлланилади. Масалан: *His dirty blond hair was banded back in a ponytail. His light blue eyes never seemed to blink. But the first thing most people noticed were the scars radiating out from his nose. The doctors had said they could fix them, but he'd told them not to bother.* (Mazel Adam, “Morgantown”) – Унинг маларанг кир соchlари бир тутам қилиб боғланганди. Мовий ранг кўзлари эса сира **пирпирамасди**. Лекин кўпчилик, энг аввало, унинг бурни атрофидаги чандиқларга эътибор берди. Шифокорлар чандиқларни даволай олишларини айтишиса-да, у “овора бўлманглар” дегандек рад этди.

¹⁰Биз бунда тасвирий ифода терминини ўзбек тилшунослигига оммалашган парафраза термини билан вариандош бирлик сифатида қўлланадиган тасвирий ифода атамаси маъносидан буткул бошқа моҳият билан қўллаймиз.

¹¹ Шу ва бошқа ўринлардаги муаллифи кўрсатилмаган таржималар тадқикотчиники.

Бу парчада *to blink* (*пирпирамоқ*) сўзи ҳолатни ифодалаш учун қўлланган, бироқ айни лексемани тақлид асосида вужудга келган тасвирий сўз сифатида баҳолаш мушқул. Зеро, у от ҳам, мустақил маънога эга феъл ҳам ҳисобланади. Инглиз тили лугатларида от сифатида ҳам (“пирпиратиш”, “милтиллаш”, “лаҳза”: лугат шакли – *a blink*), феъл (“пирпирамоқ”, “милтирамоқ”: лугат шакли – *to blink*) сифатида ҳам изоҳланади. Мазкур ҳолатлар инглиз тилидаги тасвирий бирликларнинг аксарияти генетик жиҳатдан тақлидлардан келиб чиқмаганлигини кўрсатади. Аксинча, ҳолатни ифодаловчи бу каби тасвирий сўзлар, ўзбек тилидагидек, тақлид семантикасига эга бўлса-да, грамматик жиҳатдан от, феъл ёки бошқа туркумга мансуб сўз сифатида қаралиши лозим. Инглиз тилидаги тасвирий ифодаларнинг ўзбек тилидан яна бир фарқли жиҳати шундаки, бу лексемалар аксарият ҳолларда жуфтлашмаган бўлади. Ўзбек тилидаги каби *lip-lip*, *гулдур-гулдур* каби такрорланувчи ёки *тарс-турс*, *шарт-шурт* каби жуфт тасвирий ифодалар инглиз бадий адабиётида деярли учрамайди. Унинг ўрнида эга, кесим, ҳол, тўлдирувчи ёки аниқловчи шаклида турлича ҳолатга тақлидни англатувчи сўзларнинг тасвирий сўз сифатида қўлланишини кўриш мумкин. Хуллас, инглиз тилида товуш ва образ (ҳолат) ифодаси, асосан, от ёки феъл туркумiga мансуб тасвирий сўзлар билан ифодаланади. Айрим тасвирий сўзларнинг генетик жиҳатдан тақлид унсурларидан келиб чиққанлиги сезилиб турса ҳам, инглиз тили флексив тиллиги боис улар феъл тарзида берилади, лекин улар семантикасида тақлид маъноси ҳам бўлади. Бизнингча, инглиз тилида феълга ёки отга айланган тақлидий-тасвирий сўзларнинг генезесини тадқиқ қилиш флексив тилларнинг тарихий ҳолатидаги тақлидлар ҳозирги ҳолатидан бирмунча фарқ қилганлигини билиш имконини беради. Зеро, тақлидий-тасвирий сўзлар анча катта микдорни ташкил қиласиган ўзбек тилида тақлидларнинг мустақил ҳолда кесим вазифасида келиши жуда кам учрайди, лекин қадимги ёдгорликлар тилида тақлидлар кесим вазифасида кенг қўлланган. Буни “*Тевей эмиги жор-жор*” – Эшик *тақ-тақ*: *кимдир келди* (Юсуф Хос Ҳожиб, “Кутадғу билиг”) каби мисоллар далиллайди.

Замонавий инглиз тилшунослигида тақлид сўзлар икки асосий гурух, яъни товушга тақлид ва ҳолатга тақлидни билдирувчи бирликлар тарзида таҳлил қилинади. Инглиз ва ўзбек тилларида тақлид сўзларни қиёсий ўрганиш ва категорияларга ажратиш ушбу бирликлар лисоний хусусиятларининг нутқий воқеланишини таҳлил қилиш имконини беради. Тақлид сўзларни бу тарзда қиёсий таҳлил қилиш бадий таржимада аслиятдаги объективлик, асосий тилдаги матннинг бўёқдорлигини сақлаб қолишда аҳамиятли. Албатта, тақлид сўзларни нафақат фонетик, балки лексикологик, лингкультурологик ва прагматик асосда тадқиқ қилиш ҳам ушбу бирликларнинг моҳиятини янада чуқурроқ англашга хизмат қиласиди. Қолаверса, тақлид сўзлар тузилиши борасидаги таҳлиллар ҳам тилнинг фонетик ва лингвистик ўзига хосликлари юзасидан тегишли хulosалар чиқаришда муҳимдир. Тақлид сўзлар замонавий инглиз тилшунослигида ономатопея (инг. *onomatopoeia*) деб юритилади. Ушбу термин юонон тилидаги “*onomatopoiī*” – онома – “ном” ва “*pou*” – “бермоқ” сўзларининг бирикувидан

ясалган. Инглиз тилшунослигида ономатоплар табиий ва жонсиз буюмлар билан боғлиқ товушларга, шунингдек, ҳолатга тақлидни билдирадиган сўз ва бирикмалар, от ёки феълнинг таркибий қисми сифатида талқин қилинади. Инглиз тилидаги ономатопларнинг асосий умумий хусусиятлари сифатида куйидагиларни айтиш мумкин: *биринчидан*, инглиз тилида тақлид сўзлар мустақил маънога эга лексемалар ҳисобланади. Қолаверса, ушбу сўзлар сўз ясовчи аффиксларни қабул қилиб (бунда ономатопларнинг аффиксация ва флексия натижасида туркуми ўзгаради), бир сўз туркумидан бошқасига ўтади), нутқда турли вазифаларни бажариши – нафақат ундов гап, балки эга, кесим, тўлдирувчи, ҳол ёки аниқловчи вазифаларида ҳам келиши мумкин; *иккинчидан*, тузилиши жиҳатидан инглиз тилидаги тақлид сўзлар ҳам қисқалиги билан ажралиб туради. Бундай сўзлар, асосан, бир бўғинли асосдан ташкил топади ва инглиз тилидаги тақлид сўзлар ўзбек тилидаги шундай бирликларга яқин туради; *учинчидан*, инглиз тилида товушга тақлидлар кўпроқ учрайди, ҳолатга тақлидлар эса нутқда нисбатан камроқ қўлланилади. Ҳолатга тақлид сўзлар ономатоплар туркумига киритилса-да, алоҳида гуруҳ “агломерат”лари сифатида тадқиқ қилинади; *тўртинчидан*, инглиз тилидаги ономатоплар кўп ҳолларда кўчма маъно ҳам ифодалайди; *бешинчидан*, инглиз тилшунослигида тақлид лексемалари имитатив бирлик, яъни ундовлар, шунингдек, ономатоплар гуруҳига оид деган турли қарашлар мавжуд¹².

Семантик нуқтаи назардан инглиз тилидаги тақлид сўзларни куйидаги асосий гурухларга бўлиш мумкин. Биринчи гурухга ҳайвонлар товушига тақлидни ифодаловчи сўзлар киритилади. Бу гуруҳдаги тақлид ифодаловчи сўзлар жуфтлашган/жуфтлашмаган ҳолда қўлланиши мумкин. Бундай бирликларнинг фонетик ўзига хослиги унли товушларнинг жуфтлашиши ёки унлилар дифтонглашишида кўринади. Масалан: *1. A bird uttered its last 'cheep.'* *And right above the oak tree the first star shone* (John Galsworthy, *The Forsyte Saga*) – Қуши сўнгги бор “чий” этди. Эман дараҳти узра илк юлдуз чараклади. *2. Cheep! Cheep!* said the young one, and tumbled out. (Hetty Browne, “Sarah Withers”) – Ёши полапон “чий! чий!” дея овоз чиқарди, сўнг ҳолсиз ийқилди. Товушга тақлиднинг иккинчи туркумига табиат ҳодисаларидан чиқадиган товушга тақлидни киритиш мумкин. Бу турдаги ономатоп бирликлар табиат ҳодисалари, жумладан, момақалдироқ, тошқин, шамол, ёнғин ва шу каби қатор бошқа ҳодисалар товушига тақлидни ифодалайди. Шунингдек, ушбу туркумга предметларнинг физик товушларини ифодаловчи ономатоплар ҳам киритилади: *A loathsome bleep at the register. Bleep, bleep, bleep.* *Trixie, the cashier, calculated ninety-eight dollars* (Sativa January, “Title Happier Lives”) – Қабулхонадан бир маромдаги ғашга тегадиган (пилқиллаган) товуш эштилди: “Пилқ”, “пилқ”, “пилқ”. Кассир қиз Триси тўқсон саккиз доллар ҳисоблади. Тақлидларнинг учинчи турига инсон нутқида турли шовқинга нисбатан қўлланадиган ономатоплар киради. Мисоллар: *Miss Watson would say, "Don't put your feet up there, Huckleberry;" and "Don't scrunchup like that,*

¹²Қаранг: Нуруллова А.А. Ономатопея в современном английском, русском и немецком языках: Автореф. дисс. ...канд. филол.наук. – Казан, 2013.

Huckleberry – set up straight;" and pretty soon she would say, "Don't gap and stretch like that, Huckleberry – why don't you try to behave?" (Mark Twain, "Huckleberry Finn") – Ватсон хоним бўлганларида: – "Геклберри, оёғингни у ерга қўйма, бунақа **чалпиллама**. Геклберри, тўғри ўтири", – деган бўларди. Яна дарҳол: "Қаддингни тик тут, керишма, Геклберри – нега тўғри тура олмайсан-а?" – дер эди. Юқоридаги тақлидий бирлик предлогли феъл ёрдамида ифодаланган. Юқоридаги мисол ва фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, келтирилган ҳар уч категорияга оид тақлидий бирликлар гапда жуфтлашади ва аллитерацияга учрайди.

Тасвирий ҳамда тақлид сўзларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда чалкашлик ва мураккабликлар туғилиши – табиий. Бунда бир тилдаги тасвир бошқа тилда умуман ўзгача англашилишини инобатга олиш зарур. Бир тилдаги сўз бошқа тилда кўплаб воситаларни ўзига муқобил сифатида танлаши мумкин. Таржима жараёнида, албатта, ушбу бирликнинг нафақат семантик хусусияти, балки услубий имконияти, прагматик томони ҳам эътиборга олиниши лозим.

Кузатишлардан маълум бўлдики, баъзан тасвирий ифода қўлланган жумлаларда айнан шу элемент таржимада ташлаб кетилади. Тасвирий элементларни ташлаб кетган ҳолда таржима қилиш, албатта, матннинг бадиий бўёқдорлигига сезиларли даражада путур етказади. Қуйида бир жумланинг тасвирий ифодасиз таржимасини кўриб ўтамиш: Масалан: *Акрам ўрнидан дик этиб турди* (С.Анорбоев, "Оқсой шалолалари") – *Akram stood up from his place*.

Ана шундай услубий хатоликлар ўзбек тилидан инглиз тилига қилинган кўплаб бадиий таржималарда учраб туради. Табиийки, бунга таржимоннинг айни аслиятга teng бўлган тасвирий ифода топа олмаганлиги сабаб бўлиши мумкин. Бироқ аниқ teng келадиган тасвирий ифода инглиз тилида мавжуд бўлмаса, уни қолдириб кетмасдан, бошқа бирор сифат ёки равишдан фойдаланиш мумкин бўлади. Тилларро типологик фарқлар бундай йўл тутишга имкон беради. Масалан: *Akram stood up immediately from his place*. Иккинчи таржима намунасида тасвирий ифода равиш сифатида таржима қилинган. Албатта, бу ҳам аниқ тасвирий ифода эмас. Шунга қарамай, қўлланган бирлик аслиятдаги тавирий ифоданинг маъносини, яъни тезда сапчиб туриш маъносини тўлақонли ифодалай олади. Инглиз бадиий матнларидаги тақлидий ва тасвирий сўзларнинг ўзбек тилига таржима қилинишида ҳам бир қанча ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Матндаги тақлидий ифодаларни кўриб чиқайлик.

Piddle-paddle, piddle-paddle, splash, splash, splash

Into the pool with a great big dash! (Jaymie Gerard, "Piddle-Paddle")

Такрорий ва жуфт тақлид сўзлар жуфт ҳолда қўлланган. Бу мисолда еттига тақлидий бирлик ўрнида ўзбек тилидаги тўртта сўздан фойдаланилган. Ўзбек тилида берилиши:

Шилдир-шилдир, жилдир-жилдир,

Узоқдан ҳавзага сакраб тушар сув.

Албатта, таржимада бундай йўл тутишнинг ҳам ўз сабаблари бор. Агар ҳар бир тақлид сўз ўзбек тилига таржима қилинса, ғализлик келиб чиқади ва

оҳанг сийқалашади. Диссертацияда қатор мисоллар келтирилиб, таҳлил қилинган ва аниқ тавсиялар берилган.

Ишнинг учинчи боби “Ўзбек тилида тасвирий ва тақлидий маъно ҳамда уларнинг инглиз тилида берилиши” деб номланган ва қуидаги қисмларни ўз ичига олган: “Ўзбек тилида тасвирий ва тақлидий маъно қоришиқлиги масаласи”, “Ўзбек тилида тасвирий ва тақлидий бирликларнинг семантик-грамматик имкониятлари”, “Ўзбек тилидаги тасвирий ва тақлидий маъноларни инглиз тилида бериш масаласи”.

Ўзбек тилининг фонетик таркиби ўзининг полифункционаллиги ва кенг қамрови билан ажралиб туради, бу полифония тасвирий ҳамда тақлидий маъно ифодаланишида кузатилади. Зеро, тилда мавжуд бошқа лексик категориялардан фарқли ўлароқ, тасвир ва тақлид маъносини англатувчи сўзлар ўзга тиллардан ўзлаштирилиш эҳтимолидан йироқ ва ҳатто имконсиз. Тасвирий сўзларнинг шаклланиши тил вакили воқеликни онгода қандай қабул қилиши, овозларни қандай эшитиши, уни ўз тилида мавжуд бўлган товуш товланишларида қай тарзда ифодалashi билан боғлик. Бу узвий жараёнлар натижасида юзага келган лексик бирликлар ҳар бир тилнинг хусусий ва том маънода миллий ҳамда бетакрор қатламини ташкил этади. Шу маънода агглютинатив тиллар сирасига мансуб ўзбек тилининг ифода устуворлигини таъкидламасликнинг иложи йўқ. Сабаби бошқа тиллар, жумладан, инглиз тилидан фарқли равишда, ўзбек тили табиатда учрайдиган қарийб барча товушларни қамраб ола билади. Бу эса, ўз навбатида, товушга тақлид ва ҳаракат, ҳолат тасвирини ифодаловчи сўзларнинг янада табиийроқ бўлишини таъминлайди.

Тасвирий ифодалар гапда турли синтактик вазифаларда қўлланиши мумкин. Хусусан, юқорида тасвирий ифоданинг кесим ёки ҳол вазифасини бажариши мумкинлигини мисолларда кўрдик. Тасвирий ифода бирликлари аниқловчи вазифасида ҳам қўлланиб, ўзи билан бирга келган эга ёки тўлдирувчи вазифасидаги сўз маъносига хос характерни эмас, балки унинг моҳиятини ёритиб берувчи биргина белгини англатади.

Шу ўринда айтиш мумкинки, тасвирий ифода аниқловчилари синекдохани юзага келтиради, яъни умумий тавсифдан биргина хоссани олиб, шу орқали бутун сифат белгиларига ишора қиласди. Масалан: *Ташқарида совуқ шамол гиз-гиз, ял-ял кўйлак офтоб нурида товланади*. Тасвирий ифода бирликлари воситали ва воситасиз тўлдирувчи вазифасида ҳам келиши мумкин: У энди ичидан отилмоққа тайёр қаҳ-қаҳани қайтаришига интилиб, дўстига „бас“ жоним, „бас“ энди дер ва нафасини ростлар экан; *Мавлоно Туробий кирди* (Ойбек, “Навоий”). *Хўжасини кутиб ўтирган содиқ мулозим Шайх Баҳлул от дуқурини эшитиш билан шам ёқди* (Ойбек, “Навоий”). Тасвирий сўз воситали тўлдирувчи вазифасида жўналиш, чиқиш ёки ўрин пайт келишиги қўшимчаларини қабул қиласди. Масалан: *Онаси ўғлининг мўлтирашига сира парво қилмади. Доимий ғала-ғовурдан чолнинг бошига оғриқ кирди. Саида апил-тапилда яна калитни унутиб қолдирганди*.

Тасвирий сўз ҳол вазифасини бажарганда ўзи бирикиб келган кесимдаги ҳаракат тарзини ифодалашга хизмат қиласди ва ҳаракатнинг қай суръатда

кечганлиги ҳақида маълумот бериб, семантик қоришиқлик моҳиятини намоён қиласди. Масалан: *Пик-пик йиғлайсиз, ҳайитда кийимсиз қолган қиздай ўкинасиз, қўлингизни чеккангизга тираб уҳ тортасиз* (Ойбек, Навоий). *Булбулигўё тез-тез чой ҳўплар, қилт-қилт ютар ва ҳар бир қилт этган товуши Сайдийнинг юрагига эритилган чўян бўлиб томар эди* (А.Қаххор, Сароб).

Демак, тасвирий ифода бирликлари гапда нафақат ундалма, балки мустақил синтактик вазифа ҳам бажариши мумкин, бунда бирликларнинг синтактик вазифаси келишик қўшимчалари ёрдамида ўзгаради. Барча қўлланишларда ё “образ+тақлид”, ёки “тақлид+образ” мураккаб семантик моҳиятлардан бири намоён бўлади. Бунда мураккаб моҳиятнинг таркибий қисмлари шартли равишда “асос маъно+ёндош маъно” умумий формуласини намоён қиласди.

Тақлид ифода бирликларининг тилдаги бошқа сўзлардан фарқли жиҳати шундаки, улар тилнинг барча фонетик имкониятларини намоён қиласди, бир қарашда, сўз таркибида биргаликда учрамайдиган товушлар тақлид сўзлар мисолида сон-саноқсиз бўлиши мумкин¹³. Бунга, албатта, тақлид сўзларнинг шаклланиши жараёнида инсон, аввало, атроф-муҳитни кузатиши ва ундаги маълум товушларни ифодалашда ўз тилининг фонетик имконияти доирасидан келиб чиқиб сўз ҳосил қилиши сабабдир. Шу нуқтаи назардан, ўзбек тилидаги тақлид сўзлар ўзларининг максимал даражада табиатдаги товушга яқин эканлиги билан ажralиб туради.

Кўплаб тиллар қатори ўзбек тилидаги тақлидий бирликлар учун ҳам хос бўлган характерли белгилардан бири – уларнинг кўпинча бир бўғиндан иборат бўлиши, такрорий ёки жуфт ҳолатда қўлланиши. Бунда бажарилган ҳаракатни таъкидлаш билан бирга, унинг бажарилиш суръатига ҳам ишора қилинади: “Тасвирий сўзларда такрорий форма товуш ёки ҳаракатни кучайтиришдан ташқари, ҳаракатнинг бирдан ортиқ бўлганлигини, давомийлигини ҳам билдиради. Ундовларда эса такрор қўпроқ эмоционалликни оширади, ҳисжаяжонни кучли қилиб беради”¹⁴.

